

Абулқосимов Ҳ.П.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети профессори,
иқтисод фанлари доктори;

Абулқосимов М.Ҳ.,

Тошкент молия институти қошидаги
Молия касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги – маъмурият ва персонал томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва муҳандис-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Корхона ўз фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш ва молиялаштириш, ўз харажатларини ўзи қоплаши асосида фойда (даромад) олиш мақсадида юри-тадиган бирламчи хўжалик субъекти-дир. Корхоналар ишлаб чиқариш, савдо, тижорат-воситачилик, транспорт, суғурта, банк, инжиниринг, молиявий-инвестицион, илмий-тадқиқот, инновация ва турли хизматлар кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхонаси ўз ходимларининг моддий ва интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи таҳдидларни бартараф этиш, ривожланишнинг салбий тенден-

цияларига барҳам бериш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

- хўжалик субъектининг давлат, нодавлат ташкилотлари, мамлакат ичидаги ва хориждаги ҳамкорлари ҳамда рақобатчилари билан бўладиган ўзаро муносабатларда қонун билан белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- корхонанинг моддий ва молиявий базасини сақлаш ва кўпайтириш, меҳнат жамоаси, тадбиркорнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга

йўналтирилган ресурслардан самарали фойдаланиш;

- маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ички ва ташқи бозорларда уларни сотиш учун қулай бозор конъюнктурасини яратиш;

- хўжалик фаолиятининг ички ва ташқи ташкилий барқарорлиги, иқтисодий алоқаларнинг ишончилигига эришиш ва тасодифий ҳамда ноинсоф, виждонсиз ҳамкор ва шерикларга қарам бўлиб қолишдан сақланиш;

- хўжалик фаолиятини тўлиқ, аниқ ахборотлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва тижорат сирларини ҳамда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаш;

- реклама ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ва корхона нуфузини ошириш.

Корхона хавфсизлигини таъминлаш учун хўжалик фаолиятининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўли билан унинг турли таҳдидларга бардошлиги ҳамда хавфсизлик даражаси баҳоланади. Ушбу таҳлил қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодий манфаатларга таҳдидлар бўйича корхонанинг заиф томонлари, таҳдидларнинг салбий таъсири баҳоланади;

- иқтисодий таҳдидларнинг салбий таъсирини бартараф этиш бўйича шу дамгача кўрилган чора-тадбирларни хўжалик субъектларини бошқариш элементларининг фаолияти билан боғлиқ равишда қайта кўриб чиқиш;

- хўжалик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари таҳдидларининг салбий таъсирини бартараф этишдаги ролини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлаш ва баҳолаш;

- иқтисодий хавфсизлик даражасини интеграл баҳолашни шакллантириш;

- хавфсизлик даражасини баҳолашнинг жорий натижаларини аввалги даврда олинган натижалар билан солиштириш ва таққослаш;

- иқтисодий манфаатларга таҳдидларни бартараф этиш ёки нейтраллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарли даражада натижалар бермаганлигининг сабабларини аниқлаш;

- иқтисодий хавфсизликни таъминлашда хўжалик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча тавсиялар тайёрлаш. Ушбу бошқаришнинг функционал элементларини молиявий, интеллектуал, кадр, техник-технологик, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот, куч элементлари ташкил этади¹.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ишлаб чиқаришнинг техник даражаси, сотилаётган ва харид қилинаётган лицензиялар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва қўлланилаётган технологиянинг жаҳоннинг энг яхши андозаларига мослиги, маҳсулотнинг илм талаблиги ва инновация даражаси муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда – хўжалик субъектининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда қуйидаги ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланилади:

¹ Основы экономической безопасности. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-Синтез», 1997. –С. 139; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. / Под общ. ред. А.В.Колосова. – М., Изд-во РАТС, 2001. –С. 285; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. –110-112-б.

- корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффиценти, ўзининг айланма активларининг умумий активлар суммасига нисбати;

- жорий ликвидлик кўрсаткичи, ўз капиталининг рентабеллиги;

- умумий тўловга қодирлик кўрсаткичи, активлар бозор қийматининг хўжалик субъектининг барча мажбуриятларига нисбати;

- капиталлаштириш коэффиценти, ўз капиталининг бозор қиймати қарз маблағлари баланс қийматига нисбати;

- менежмент коэффиценти, сотишдан олинган пул тушумининг жорий мажбуриятлар миқдорига нисбати¹.

Ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан мамлакатда бизнес юритиш учун қулай шароитлар, яъни ишбилармонлик муҳитининг яратилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига эркинлик бериш, хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш, уларнинг ҳимояси ҳамда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ка-

фолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, рухсат беришга доир 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистика ҳисобот шакли, 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилиниб, уларни топшириш даврийлиги икки баробардан зиёдроққа қисқартирилди, молиявий ҳисоботларни топшириш шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди.

¹ Вешняков Я.Д., Колосов А.В., Шемякин В.Л. Оценки и анализ финансовых рисков предприятия в условиях враждебной среды бизнеса. // «Менеджмент в России и за рубежом», 2000, №3; Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2004. –С. 169–171.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган 22 та аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида умумий солиқ юки 1993–2013 йилларда ЯИМга нисбатан 45%дан 21,3% га камайтирилди. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1995 йилги 38%дан 2013 йилда 9 фоизгача пасайтирилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 2005 йилдаги 13%дан 2013 йилда 6%, саноат соҳасида эса 5%га туширилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чеклов-

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –25-6; Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетень. 2011 йил. – Т.: ИТМ, 2012. –29-6; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажақ истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ»², деб таъкидлаган. Мазкур устувор вазифани амалга ошириш учун қуйидагилар белгиланган:

- мустаҳкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштириш, мулк ҳуқуқининг кучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантириш, давлатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий таянчига айланадиган хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратиш;

- хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш;

- ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш;

- етакчи халқаро молия институтлари томонидан мунтазам чоп этиладиган, би-

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

ринчи навбатда, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» деб номланган маърузасида эълон қилинаётган бизнинг бизнес юритиш бўйича кўрсаткичларимизни тизимли асосда чуқур ўрганиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга доир аниқ чора ва таклифлар ишлаб чиқиш;

- тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш;

- бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш;

- хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиқлик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хавфсизлик тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

- корхона хўжалик объектларини, бошқарувчи раҳбарларнинг шахсий дахлсизлигини ҳамда пул маблағларини сақлаш учун қўриқчи-қоровуллик хизматини ташкил этиш;

- корхонанинг информацион ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлайдиган аналитик хизматни ташкил этиш. Унинг вазифалари ичида разведка ва контрразведка билан шуғулланишни ташкил этиш учун стратегик муҳим субъектлар билан ишлаш ҳам муҳим ўрин тутади;

- ташқи экспертлар ва ички консультантлар гуруҳининг стратегик муҳим масалалар бўйича таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича фаолиятини ташкил этиш.

Корхона иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар ичида энг муҳимларидан иқтисодий шпionaж ва разведка ҳисобланади. Ушбу йўл билан рақиблар бир-бирларининг бозор стратегиялари, битим (келишув)лар, ишлаб чиқариш режалари тўғрисидаги маълумотларни яширинча олишга ҳаракат қиладилар. Тижорат сири сифатида сақланаётган маълумотлар, ҳужжатларни ўғирлаш, нусха кўчириш, алоқа каналларини яширинча эшитиш, тегишли ходимларни сотиб олиш, уларга таҳдид қилиш, компьютер, электрон ҳисоблаш техникаси тармоғига кириш ва бошқа усулларни қўллаш йўли билан иқтисодий шпionaж фаолиятини амалга оширадилар².

Тадбиркорлар тижорат сирларини саноат шпionaжидан, ошкора бўлишдан ҳимоялаш учун қуйидагиларни амалга оширадилар:

² Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. –102-б.

- илмий-техникавий янгилик ва ахборотларни ҳимоя қилиш учун уларни патентлаштириш, муаллифлик ҳуқуқини олиш, тижорат сири ҳисобланган маълумотларни аниқлаш;

- ҳужжатлар билан ишлайдиган ходимларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиш, ахборот ва маълумотлар билан ишлаш тартибини белгилаш ҳамда унинг устидан назорат ўрнатиш;

- тижорат маълумотлари ва ахборотларини махсус ҳисобга олиш, уларни сақлаш тартибини ўрнатиш, назорат остида кўпайтириш ҳамда махсус шахслар кузатувида ҳужжатларни йўқ қилиш;

- ходимларни ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни ҳимоялаш бўйича ўқитиш, машғулотлар ўтказиш, инструкция, тавсиялар, кундалик эслатмалар бериш.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун унда махсус хавфсизлик хизматини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкил этиладиган хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини қуйидагиларга қаратади:

- корхонанинг мол-мулки ва интеллектуал мулкига қилинган тажовузкорона таҳдид ёки улардан нораціонал фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш;

- ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги технологик жараёнлар мунтазамлигининг бузилишига ҳамда малакали кадрларнинг кетиб қолишига олиб келувчи ноҳуш, салбий тенденцияларнинг олдини олиш;

- иқтисодий дастурлар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигига сабаб бўлувчи омилларни

аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини камайтириш чораларини амалга ошириш. Бундай омиллар маҳсулотнинг сифат ва рақобатбардошлилиги кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин;

- ҳамкорлар ва рақобатчиларнинг молиявий аҳволи, ишбилармонлар доирасидаги нуфузи тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида уларга муносабат масалаларида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш¹.

Ўзининг хавфсизлик хизмати бўлимини ташкил этиш имкониятига эга бўлмаган корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хусусий қўриқлаш ва хавфсизлик хизмати ташкилотлари билан хўжалик объектларини қўриқлаш ҳамда улар фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро шартномалар тузишлари мумкин. Хусусий қўриқлаш ва хавфсизлик фирмалари томонидан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий, иқтисодий асосларини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий қўриқлаш ва хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Экономическая безопасность предприятия (фирмы). / В.Б.Зубик, Д.В.Зубик, Р.С.Седегов. А.Абдула; под. ред. Р.С.Седегова, М.И.Плотницкого, А.С.Головачева. – Минск.: «Высшая школа», 1998. –С. 40–41; Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2004. –С. 76–109; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiyа», 2012. –114-б.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сонли «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 69-II-сонли «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

6. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

7. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. –114-б.

8. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во РАГС, 2001.

9. Экономическая безопасность предприятия (фирмы). / В.Б.Зубик, Д.В.Зубик, Р.С.Седегов, А.Абдула; под. ред. Р.С.Седегова, М.И.Плотницкого, А.С.Головачева. – Минск.: «Высшая школа», 1998.

10. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2004.

11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

12. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т.: ЦЭИ, 2013.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.